Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
21 ФЕВРАЛЬ 1969 й
ЖУМА
№ 44 (808).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

АРМИЯ КУНИГА БАҒИШЛАБ

Бугун пойтахтнинг Охунбобоев ва Глиэр номли маданият уйларида Совет Армияси кунига бағишланган тантанали кеча бўлади. Кечада граждaнлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари иштирок этадилар, оғир уруш йиллари ҳақида ёшларга сўзлаб берадилар. Тошкент гарнизони офицер ва солдатларидан келган вакиллар эса ўз ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Бундай тантанали кечалар уч кун ичида пойтахтнинг 18 маданият уйида бўлиб ўтади.

Пойтахтимизнинг БИР КУНИ

ИЖОДКОРЛАР ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг мажлислар залида босмахона ва нашриётлар республика илмий-техник жамиятнинг II-Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот Давлат Комитетининг раиси З. И. Есенбоев, Бирлашган нашриёт директори И. Шоғуломов, пойтахтдаги 3-босмахона директори А. Саидов, китоб савдоси ходимлари, республикамиз область ва районларидан келган босмахона ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот Давлат Комитети техника бўлими бошлиғи Е. П. Хен, «Республика босмахоналарида ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ва янги техникани қўллаш натижалари ҳақида» деган мавзуда доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар докладчи айтган гапларни маъқуллаб, ўз корхоналаридаги ютуқ ва камчиликлар, иш тажрибалари ҳақида гапирдилар.

ДЕПУТАТ ҲИСОБ БЕРАДИ

Чилонзор районидаги 180-мактаб биносида жойлашган 26-сайлов участкасида сайловчиларнинг 346-сайлов округидан шаҳар Советига депутат шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Хусниддин Асомович Асомов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Агитпункт мудири, мактаб директори Абдулхай Қаюмович Абдулов учрашувни очиқ деб эълон қилди.

— Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилаётган кунларда мамлакатимиз меҳнаткашлари қатори тошкентликлар ҳам улкан ютуқларни қўлга киритдилар,—деб бошлади сўзини ўртоқ Х. Асомов. Беш йилликнинг уч йили ичида шаҳримиз корхоналари етиштираётган саноат маҳсулотлари 1965 йилдагига нисбатан 49 процент кўпайди. Шу йиллар ичида саноатимиз пландан ташқари 55 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари 1965 йилдагига нисбатан 62 процент ортди. 70 минг оила янги типдаги ҳар томонлама қулай квартира билан таъминланди. 46 минг ўринли 50 та янги умумтаълим мактаби қурилди. 45 та мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилди.

453 кишилик қишки ва ёзги кинотеатрлар барпо этилиши ва яна кўпгина қулайликлар яратилиши халқ фаровонлиги қанчалик юксалгани, партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлигининг ёрқин далилидир.

Шунингдек, хонадонларни арзон ва қулай ёқилғи — зангори олов билан таъминлашда ҳам анчагина ишлар қилинди. 200 минг квартира газлаштирилди. Шу жумладан 138 минг квартира табиий газ билан таъминланди.

Шаҳар транспорт ишлари ҳам бирмунча яхшиланди. Трамвай йўллари кенгайтирилди. 61 километр трамвай ва 51 километр троллейбус йўли қурилди. 6 та янги трамвай-троллейбус маршрути очилди. Паркларда трамвай, троллейбус, автобуслар сони кўпайтирилди.

Бироқ шунда ҳам транспорт ишлари аҳоли талабига тўла жавоб беролмайди. Ҳаракат графиги бузилиб туриши йўл ишини бирмунча қийинлаштиряпти.

1969 йил — беш йилликнинг тўртинчи йилида шаҳар хўжалигининг барча тармоқлари, қурилиш, ободончилик ва бошқа соҳаларда жуда кўп янги тадбирлар қурилади, аҳолига кўп қулайликлар яратилади.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 23 процент ошади. Коммунал хўжалик ишлари ҳам анча ривожланади. Сув миқдори ўтган йилдагига нисбатан 17 процент кўпаяди. 21.200 квартира газлаштирилади.

Қилинган ишлар ва режалар ҳақида батафсил гапирган нотиқ сайловчиларнинг жуда кўп саволларига жавоб берди.

* * *

Шунингдек, Чилонзор районидаги 189-мактабда 402-сайлов округидан шаҳар Советига депутат, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. М. Травков сайловчилар олдида икки йил ичида қилинган ишлар ҳақида ҳисоб берди.

16 МАРТ
Маҳаллий Советларга
САЙЛОВ

ЯНА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД

«Ўзбекистон» нашриёти коллективининг сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни нашриёт партия ташкилотининг секретари Мели Жўраев очиб, нашриёт директори Файзулла Юнусович Юнусовни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Нашриёт катта редактори Т. Исамуҳамедов ва справочник адабиётлар редакциясининг бўлим бошлиғи А. Клеблеевлар сўзга чиқишиб, Ф. Юнусовнинг нашриётда бир неча йиллардан бери раҳбар бўлиб келаётганлиги, софдил, ҳаққоний ва актив жамоатчи ходим эканлигини, ва бир неча бор депутатликка сайланиб, халқ наказларини муваффақиятли адо этиб келганлигини таъкидлашди.

Йиғилиш қатнашчилари меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига 170-сайлов округидан Ф. Юнусовни номзодликка кўрсатдилар.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

17 февралда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказиш бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг планига биноан Куйбишев ва Ҳамза район ижроия комитетлари раисларининг ўринбосари Е. В. Прасолова ва О. М. Ендрашек ўртоқларнинг мазкур районларда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилаётганлиги ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Маълум муддатда район Советларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинди, район сайлов комиссиялари составы ва участка сайлов комиссиялари тасдиқланиб, эълон қилинди. Куйбишев районида район Советига сайлов ўтказувчи 200 округ ва 52 сайлов участкаси ташкил қилинган. Ҳамза районида 190 округ ва 53 участка ташкил қилинган.

Сайлов участкаларини жиҳозлаш ва территорияларини ободонлаштириш ишига катта эътибор берилмоқда. Ҳозир сайлов участкалари оммавий-сиёсий ишларнинг маркази бўлиб қолди. Ҳамма ерда сайловчиларнинг рўйхати тузилиб, маълум муддатда осиб қўйиш учун қайтадан аниқланмоқда.

Тошкент телефон тармоқлари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ В. Ф. Королевнинг шаҳар сайлов участкаларини телефон алоқаси билан таъминлаш ҳақидаги доклади эшитилди.

Тошкент телефон тармоқлари бошқармасида барча сайлов участкаларини телефон алоқаси билан таъминлаш ҳақида тадбирлар белгиланди. 17 февралгача 441 сайлов округидан 369 округга телефон туширилди. 21 февралгача барча сайлов участкаларини телефон алоқаси билан таъминлаш учун барча тадбирлар кўрилмоқда.

●Корхона янгиликлари

ЯНГИ ЦЕХ

Бугун Тошкентдаги 2-ун комбинатида янги ремонт-механика цехи ишга туширилди. Цехнинг ишга туширилиши комбинатнинг ремонт талаб ишлаб чиқариш воситаларини ана шу цехда сифатли ремонт қилиш имконини беради.

МОНТАЖ ҚИЛИНМОҚДА

Бугун Тарасиз ун сақлаш цехида 750 тонна ун сақланадиган кўчма опалубкани монтаж қилишга киришилди. Цех йил охирида ишга туширилгач, тара юклари билан боғлиқ оғир меҳнат талаб қиладиган ишларга кескин барҳам берилади.

22 МИНГ СЎМ

Кеча Планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлаётган коллективлар бу системанинг афзалликларини кўряптилар. Давлатга кўпминг сўмлик қўшимча даромад келтирган комбинат ишчи-хизматчиларига куни кеча мукофот тариқасида 28 минг сўм маош тарқатилди.

Комбинатнинг меҳнатда пешқадам ишчиларидан Б. Қосимов 95 сўм, З. Абдураҳимова 84 сўм, А. Сосновцев 110 сўм, А. Волков 114 сўм, В. Ранилин 111 сўм, Ю. Великанов 112 сўм пул олдилар. Бу уларнинг ўн учинчи маошидир.

«Ўзбексельмаш» заводи ҳар ойда республикамиз колхоз ва совхозларига 650 та «СТХ—4Б» маркали пахта сеялкалари етказиб беряпти. Йиғув цехи коллективи ленинча меҳнат вахтасида пешқадамлик қиляпти.

СУРАТДА: йиғув цехининг илғор слесари Исмоил Мамажонов янги сеялкани йиғяпти.

Юк карвони

Бугун Тошкент товар станциясига Львов автомобилчилари тайёрлаган янги автобус машиналари келди. Эрта-индин улар шаҳримиз кўчаларидан юра бошлайди. Урганчдан келтирилган 8 прицепдан эса қимматбаҳо юкларни ташишда фойдаланилади.

АРМИЯЧИЛАР МЕҲМОНИ

Бугун пойтахтдаги округ офицерлар уйида СССР мудофаа министрлиги ҳузуридаги махсус ҳарбий оркестр иштирокида концерт бўлади. Совет Армияси кунига бағишланган бу концерт кечасида пойтахтлик меҳмонлар совет ва чет эл композиторларининг куй ва ашулаларидан ижро этадилар.

Илмий-текшириш институтларида

Урта Осиё табиий газ илмий-текшириш институтида.

СУРАТДА: (ўртада) газ транспорти лабораторияси раҳбари Ф. Г. Темпель, илмий ходимлар В. И. Толстов, Ю. Ярулина ва У. Хўжандиевлар газопровод системаларидан биридаги ҳисоб натижаларини анализ қиляптилар.

СУРАТДА: машинасозлик бўйича Давлат лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг катта инженер-технологи Б. Штейнвас махсус пластмассадан тайёрланган деталини текшириб кўряпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ—ЖАҲОНГА

БУЮРТМА БАЖАРИЛЯПТИ

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг маҳсулотларига хорижий элларда ҳам талаб тобора ошиб боряпти. Буни завод адресига чет эллардан келаётган буюртмалардан ҳам яққол кўриш мумкин.

Яқинда покистонлик тўқимачилардан буюртма тушган эди.

Бугун эса завод машинасозлари ана шу буюртмани бажаришга киришдилар. Улар «Р-260-3» серияли машиналарни йиғмоқдалар. Бу машиналарнинг биринчи партияси шу кварталдаёқ эгаларига етказилади. Қолганлари эса шу йилнинг иккинчи ва учинчи кварталларида жўнатилади.

Шунингдек, вьетнамлик дўстларга «Р-168-3» серияли, Японияга эса «ПК-100-М» маркали машиналар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Венгрия, Болгария, Польша, Аргентина, Италия, Франция сингари мамлакатлардан ҳам буюртмалар олинди.

● ● ● ● ●

МУКОФОТ МУБОРАК

Бугун ватанимиз пойтахти Москвадан республика «Союзпечать» бошқармасига хушхабар келди. Унда СССР Алоқа министрлиги ва алоқа ходимлари касаба союзи Марказий Комитети «Союзпечать» ходимларидан бир группаси «Социалистик мусобақа аълочиси» нишони ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлангани айтилади.

Республика «Союзпечать» бошқармасининг 24 хизматчиси «Социалистик мусобақа аълочиси» нишони ва 93 киши Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Улар орасида ҳамшаҳарларимиздан катта инструктор С. Рихсиев, экспедитор Н. Султонов, киоскачи А. Огонян, А. Худаков, Р. Ёқубжонов сингари илғор ходимлар бор.

«СВД» НИМА?

У аввало «Совет-венгер дўстлиги» деган маънони билдиради. Совет ва венгер машинасозлари яратган шу ном билан аталаётган машина инсон саломатлигини сақлашда хизмат қилади.

Урал автомобиль заводининг «Урал-375» маркали автомашинасига Венгриянинг «Медикор» фирмаси тайёрлаган рентген кабинети монтаж қилинган.

Бугун ана шу ажойиб машина шаҳримизга келтирилди. Рентген-машина қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳолига медицина хизмати кўрсатади.

ОБ-ҲАВО БУГУН кечаси баъзи жойларга туман тушади, кечаси 8—10 даража совуқ, эртага 1—3 даража иссиқ бўлади.

Челябинск қурилиш-монтаж поезди бинокорлари шаҳримиздаги Энгельс кўчасида тўққиз қаватли кўп квартирали турар-жой биносини қуриб битказяптилар.

Ушбу суратда сиз биринчи участканинг энг яхши мастери Л. Соколовани кўриб турибсиз.

«ИНҚИЛОБ ЧАВАНДОЗЛАРИ»

Таниқли кинорежиссёр, СССР халқ артисти Комил Ёрматов яратган «Инқилоб чавандозлари» фильми кўпчилик киномухлисларнинг қалбидан чуқур ўрин олган. Ўзбек кинематографчилари яратган бу фильмнинг премьераси куни кеча Москва шаҳридаги «Москва» кинотеатрида бўлиб ўтди.

РСФСРда ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинорежиссёр Р. Григорьев фильм ижодкорлари — оператор М. Пенсон ва бош ролларнинг ижрочилари В. Емельянов, А. Толбузинларни пойтахт киномухлисларига таништирди. Фильмда қатнашган артистлар яратган образлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 20 февралда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Кремлда Германия Демократик Республикасининг СССР даги элчиси Х. Биттнерни илтимосига кўра қабул қилиб, илиқ ва дўстона суҳбат ўтказди.

◆ 19 февралда Италиядан Москвага КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги Италия Коммунистик партиясининг XII съездида қатнашган КПСС делегацияси қайтиб келди.

◆ Варшава Шартномаси мамлакатлари Бирлашган Қуролли Кучлари штабининг жанговар тадбирлар планига биноан шу йил март ойининг бошида Германия Демократик Республикасининг марказий ва ҳарбий районларида Германиядаги совет қўшинлари группаси билан ГДР Халқ Армияси қўшинларининг Варшава Шартномаси қатнашчилари мамлакатлари Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош Қўмондони Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ И. И. Якубовский бошчилигида ўқув машқи ўтказилади.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Ватанпарварларнинг ҳаракатлари

ХАНОЙ, 20 февраль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари жангчилари 6 февралда Зядинь вилоятида 5-қўғирчоқ дивизия лагерига қўққисдан ҳужум қилдилар. Бунинг натижасида душманнинг ҳарбий хизматчиларидан 250 киши сафдан чиқарилди.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 4 февралдан 10 февралгача ўтган бир ҳафта ичида Гоконг вилоятида душманнинг 200 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Озодлик кучлари жангчилари 24 январдан 11 февралгача Куангчи ва Тхиатхиен вилоятларида душманнинг 700 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Буларнинг кўпчилиги Америка ҳарбий хизматчиларидан иборат.

ҲУЖУМ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

КОНАКРИ, 20 февраль. (ТАСС). Гвинея ва Яшил бурун ороллари мустақиллиги Африка партияси қуролли кучлари Португалия жазо отрядларининг мустаҳкамланган Мадина пунктини ишғол қилганларидан кейин ҳужум операцияларини давом эттираётганликлари бу ерда маълум бўлиб қолди. Португалия қўшинлари 7 февралда шарқий фронтда Чече ҳарбий постидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Чече ҳарбий пости айни вақтда Корубал дарёсининг шимолий соҳилида порт хизматини ҳам бажаради.

Японияда меҳнаткашларнинг оммавий чиқишларини тарқатиш учун янгидан-янги воситалар «кашф» этилмоқда.

СУРАТДА: махсус қалқон билан қуролланган, темир қалпоқлар кийган полиция отряди.

ЯПС—АПН фотоси.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Бугун Тошкентда халқаро аҳвол бўйича ўзбек тилида лекция ўқийдиган тарғиботчилар тайёрловчи мактабнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Республикамизда биринчи марта ташкил этилган бу билим ўчоғининг тингловчилари дастлабки машғулотда Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми қошидаги илмий ахборот бўлимининг бошлиғи, тарих фанлари кандидати Бахриддин Манноновнинг «Совет Иттифоқи ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий принциплари», Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтининг доценти Лола Хўжаеванинг «Нотиқлик санъати ва лекция текстлари тайёрлаш тўғрисида» деган илмий-методик лекцияларини тингладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети маъмурий ва савдо-молиявий органлар бўлими инструктори **Петр Матвеевич ТОКАРЕВ**нинг шу йил 20 февралда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради.

СУРАТДА: Романовский номли математика институти қошидаги 23-агитпункт агитаторларидан Х. Файзиева (чапда) ва М. Маъдиева ўртоқлар. Улар сайловчиларнинг рўйхатларини тайёрлаш устида ишламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

●Тошкент шаҳар ижроия комитетида

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ЖИНОЯТ МАНБАИ

Биз ҳаётимизни гўзал қилиш учун курашмоқдамиз. Худди шу сабабли янги коммунистик ахлоқ учун, жамиятга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларини тугатиш учун қатъий кураш олиб бормоқдамиз. Олдимизда турган бу вазифани ҳамма ҳам тушуниб етаётирми! 1958 йил декабрида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш ва спиртли ичимликни сотишни тартибга солиш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ савдо тармоқларида бу тартиб тез-тез бузилмоқда. Спиртли ичимлик сотиш тартибига риоя қилмаслик ичкиликбозликка қарши курашни сусайтиради. Ичкиликбозлик эса безорилик ва бошқа хавфли жиноятларни туғдирувчи асосий сабабдир. Бевосита саноат корхоналари, ўқув юртлари, болалар ва даволаш муассасалари яқинида жойлашган, шунингдек, вокзал майдонидаги магазинларда, шаҳардаги ошхона ва кафеларда спиртли ичимликлар ҳамма вақт сотилаверади. Айниқса Ленин, Октябрь район озиқ-овқат савдоси корхоналари, Чилонзор ва Куйбишев район ошхоналар трестларида белгиланган тартиб тез-тез бузилмоқда. Масалан, Студентлар шаҳарчасида касалхона яқинида ва чинни заводи олдида жойлашган 1, 12, 65, 76-магазинлар текширилган вақтда, рухсатномаси бўлмагани ҳолда бу магазинларда спиртли ичимликлар сотилаётганлиги аниқланди. Куйбишев район ошхоналар трестига қарашли 16-ошхона филиалида пиво, вино ва коньяк сотишга рухсат этилган. Шунга қарамай, бу ерда арoқ сотилмоқда. Чилонзор район ошхоналар трестига қарашли «Солнечний» ва «Утро» кафелари ҳамда 1- ва 12-ошхоналарнинг буфетчилари Шайфуллина, Иброҳимова, Вербицкая ва Хабибуллина рухсатномаси бўлмаса ҳам спиртли ичимликлар сотиш билан шуғулланиб келганлар. Бундай фактлар Киров район ошхоналар трестига қарашли «Ветерок» кафеси ва 10-ошхонада ҳам аниқланди.

Кўпгина магазинларда вино ва арoқ соат 10 га қадар ҳам сотилаверади. Ресторанларда эса белгиланган нормадан ортиқча сотиш, балоғатга етмаганларга ичимлик бериш ҳоллари юз бермоқда. Масалан, Фрунзе районидаги 5- ва 16-магазинларнинг сотувчилари Низомов ва Юнусхўжаев, Октябрь районидаги 72-магазин сотувчиси Мирзаев, «Шарқ» ва «Баҳор» ресторанларининг официанткалари Чернякова, Блинова ва бошқалар худди шундай қилганлар.

Савдо бошқармалари ва трестларнинг раҳбарлари, шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси ходимлари спиртли ичимликлар сотиш тартибиги риоя қилинишини назорат қилмаганлар. 1968 йилнинг тўққиз ойи давомида Киров, Ҳамза ва Куйбишев район озиқ-овқат савдоси бошқармалари бирор марта ҳам бундай текшириш ўтказмаганлар. Шу давр ичида савдо қоидаларининг 20 марта бузилганлиги аниқланган.

Савдо бошқармалари ва трестларнинг раҳбарлари бундай фактлар аниқланган чоқда ҳар доим ҳам принципиаллик ва қатъийлик кўрсатмайдилар. Савдо бошқармаси ва умумий овқатланиш бошқармаси эса савдо қоидаларининг бузилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни тугатиш учун амалий чоралар кўриш ўрнига спиртли ичимликлар сотиш чегаралаб қўйилиши лозим бўлган корхоналарга рухсатнома ёзиб бераверганлар.

Савдо бошқармаси, умумий овқатланиш бошқармаси раҳбарлари, давлат савдо инспекцияси органлари, район ижроия комитетлари спиртли ичимликлар сотишни тартибга солишлари керак. Савдо қоидаларининг бузилишига қарши қатъий чоралар кўриш пайти келди.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси ва район ижроия комитетлари алкоголизм ва ичкиликбозликка қарши, спиртли ичимликларни тартибга риоя қилмаган ҳолда сотиш ва кўчаларда, жамоат жойларида жамоат тартибининг бузилишига қарши курашни кучайтиришлари зарур. Шунингдек, бевосита магазинларда, ошхоналарда, кўчаларда ва ҳовлиларда ичимлик ичувчиларга қарши қатъий кураш олиб бориш, бу ишга халқ дружиначиларини, кенг жамоатчиликни жалб қилиш зарур.

Алкоголизм ва ичкиликбозликка қарши кураш ҳаммамизнинг ишимиздир. Бу иллатга қарши курашга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшмоғи керак.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

ЯНГИ ЭЛЕКТРОВОЗ

Новочеркасскдаги электровозсозлик заводи (Ростов области) очиқ конларда ишлатиш учун мўлжалланган саноат электровозининг тажриба нусхасини тайёрлади. Бу типдаги электровозни Совет Иттифоқида юзага келтирилаётган ўта қудратли роторли экскаватор комплексида фойдаланиш кўзда тутиляпти. Бу экскаватор соатига 5 минг кубометр фойдали қазилма қовлаб олади.

Янги тортув агрегати уч секциядан ташкил топган. Оддий шароитда у тепловоздек, қияликлардан юк ташиш вақтида эса электровоздек ишлайди. Бу ҳолда унинг қудрати 8560 от кучига тенг келади. Бу эса магистралларда қатнаётган мавжуд юк электровозларининг қудратидан ошиқроқдир. Бу нодир тортув агрегати 2 минг тонна юк кўтара оладиган составларни соатига 25-30 километр тезликда юргизишга қодир.

Петр ЯШЧЕНКО,
АПН мухбири.

СИБИРЬ ШАМПАНСКОЕСИ

Новосибирскда янги виночилик комбинати ишга туширилди. Совет озиқ-овқат саноатининг бу йирик корхонаси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб шампанское ҳам ишлаб чиқаради. Иқтисодчилар шампанское тайёрлаш учун ярим фабрикатларни Сибирга шишаларда келтирилганидан кўра шишасиз келтириш фойдалироқ эканини аниқладилар.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

Шу кунларда «комсомол ячейкаси»—Тошкент комсомоли ветеранларининг кўнгилли бирлашмасига тез-тез телефон қоқиб турибдилар. Кекса комсомолларни ёшлар билан учрашишга таклиф этадилар. Улар ҳар куни завод ва қурилишларга, ўқув юртлари ва маҳаллаларга бориб, йигирманчи йиллардаги ёш ленинчиларнинг жанговар ва меҳнат зафарлари тўғрисида, Тошкент комсомол ташкилотининг вужудга келтириш тарихи ҳақида йигит ва қизларга сўзлаб бермоқдалар.

Тошкент комсомол ташкилоти шу йил апрель ойида 50 ёшга тўлади.

Республика пойтахтининг ёшлари юбилейни муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар. Ана шу ажойиб воқеа арафасида ишчи ёшлар зўр ғайрат билан меҳнат қилишга қарор беришди. Неча минглаб ёш машинасозлар, химиклар, энергетиклар, тўқимачилар юбилей олди вахтасида ишлай бошладилар.

(ЎзТАГ).

«Ташхозкульторг»га қарашли 47-магазиннинг радио бўлими ходимлари шаҳримиз меҳнаткашларига намунали савдо хизмати кўрсатмоқдалар. Бу ердан доим исталган маркали радиола ва телевизорларни харид этиш мумкин.

СУРАТДА: бўлим сотувчиси Т. Хозимуродов харидорлар хизматида.

М. Нуриддинов фотоси.

●Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан

ТОНГДА ҲИЛПИРАГАН БАЙРОҚ

Уша вақтлар эндигина 2-синфга қадам қўйган эдик. Биз ўзимиз истиқомат қиладиган Октябрь районидаги Бобожонов кўчасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Саидусмон ака Қосимхўжаев яшашини билсанда, бари бир бу қаҳрамонлик шуҳратининг тагига етмасдик.

... Йиллар ўтди. Биз улғайдик. Маҳалламиз чойхонасига бир пиёла чой ичиб, ўз дўстларимиз билан чақчақлашгани чиқадиган бўлиб қолдик. Ҳар оқшом бизнинг чойхона турли ёшдаги кишилар билан гавжум бўлади. Биз ёшлар чойхонага чиққанимизда, албатта, катталар суҳбатига разм соламиз, уларга ҳамсуҳбат бўламиз.

Мана бугун ҳам ишдан барвақт келиб, чойхонага кирдик. Бошқалар қатори юқарирокда Саидусмон ака ҳам ўтирардилар. У киши саломимизга алик олганларидан сўнг, бизни ўз ёнларига чақирдилар. Биз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Иш ва ўқишларимиз ҳақида сўриштирар эканлар:

— Ҳа, ҳозир шароит яхши, истак бўлса бас ёшларда. Уқийди, ишлайди, келажагини яратади. Бизнинг ёшлигимиз фашист босқинчиларини даф этишдек ташвишли кунлар билан ўтди, — дея Саидусмон ака Улуғ Ватан уруши даврида бошдан кечирганларини сўзлаб кетдилар.

Суҳбат биз анчадан бери қизиққан мавзуга беихтиёр бурилганлигидан мамнун эдик. Воқеа мана бундай бўлган экан.

...23 ёшли Саидусмон ака ҳарбий хизматчи ўташ учун 1938 йили Совет Армияси сафига чақирилади. 1939 йилнинг декабрида оқ финларга қарши жангда қатнашди, Маннергейм линиясини ёриб ўтишда фаол иштирок этди.

Саидусмон ака 1940 йили армия сафидан бўшаб, ўзи туғилиб ўсган Юқори Чирчиқ районидаги «Меҳнат бирлиги» колхозига қайтиб келди ва тинч меҳнатини давом эттира бошлади. Аммо бу тинчлик узоққа чўзилмади. Бу гал фашистлар Германияси бизнинг ҳур ўлкага кўз олайтирган эди. Ким ўзи яшаб турган она Ватанининг озодлигини истамайди дейсиз?!

1943 йилнинг эрта кузи. Тўхтовсиз давом этиб келаётган жанглардан сўнг Саидусмон аканинг ҳарбий қисми Днепр соҳилига етиб келди.

Ярим кечада Саидусмон ака рота командири олдидан чиққанида, ҳозиргина буюрилган вазифанинг нақадар мураккаблиги ва ғоят шарафли эканлиги ҳақида ўйларди. Унга взводи билан Днепр дарёсининг ўнг соҳилига ўтиб, энг баланд дарахт учига қизил байроқ илиш ва ўша ерда кулай позицияни ишғол қилиб, душманни қирғоққа яқинлаштирмасдан, рота жангчиларини дарёдан ўтиб олишларига ёрдам бериш буюрилган эди. Қизил Байроқ — жангчиларнинг дарёдан ўтишлиги учун сигнал сифатида хизмат қилиши керак. Тун оғушида Саидусмон ака ўз взводидаги олти жангчи ва бир пулемётчи билан балиқчиларнинг қайиғида эсон-омон дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олди.

Соҳилга чиққан ҳам эдиларки, душман ракеталари улар ёнида ёниб, қоронғиликни ёритиб юборди. Немислар кўзни қамаштирадиган бу ёруғликда бизнинг жангчиларни кўра олмадилар. Балки, бу ёруғлик Саидусмон аканинг дарахтлардан энг баландини топиб олишида ёрдам берди. Ракета ёниб бўлгач, яна ҳамма ёқни қоронғилик қамраб олди. Жангчилар мўлжалга олиб қўйилган дарахт тагига етиб келдилар. Саидусмон ака икки томонга учтадан жангчини жойлаштириб, пулемётчини кулай жойга қўйди-да, дарахт устига тирмашиб оҳиста кўтарила бошлади.

Эрта тонгда Саидусмон ака ўлимни енгиб муқаддас Қизил байроқни дарахт учига боғлади. Тонг ёриши билан бизнинг жангчилар Днепрнинг нариги қирғоғида қизил байроқни тонг шабадасида ҳилпираб турганини кўрдилар. Энди Саидусмон ака душман истеҳкомларини аниқ кўра бошлади. Улар соҳилдан анча баландликда жойлашган эди. Саидусмон ака жангчиларга қимирламасдан ётишни буюрди-да, душман пулемёти жойлашган ерга эмаклаб кетди. Пулемётга 20 метрча қолганда ёнидан икки граната олиб ўқлар кетма-кет чиқиб турган уяга ирғитди. Бироздан сўнг пулемётнинг тириллаши сўнди. Шундан кейин жангчилар Саидусмон ака кетидан олға қараб интилдилар ва душман траншеялари ичига бостириб кирдилар. Қўрқмас жангчиларимиз бундай тенгсиз жангда фашистларнинг кўплаб солдатини мажақлаб ташладилар. Саидусмон взводи Днепрнинг ўнг қирғоғида ўрнашиб олиб, душман атакаларини қайтариб турди. Бу билан батальон жангчиларининг дарёдан ўтишига катта ёрдам берди.

Сержант Саидусмон ака Қосимхўжаевнинг кўҳна Днепр дарёсидан ўтишда мардлик ва жасорат кўрсатиб, немис газандаларига қарши курашда Ватан буйруғини шараф билан бажарганлигини она-Ватан муносиб тақдирлади. Унга 1943 йил 16 ноябрда Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Коммунист Саидусмон ака Қосимхўжаев ҳозирги кунда Юқори Чирчиқ районидаги «Оқ овул» қишлоқ советининг раиси. У тинч қурилиш йилларида актив коммунист сафатида бошқаларга намуна бўлиб ишлаётир. Ҳозир ҳам у раҳбарлик қилаётган қишлоқ аҳолиси Саидусмон акадан ғоят миннатдор. Элга хизмат қилган доимо ҳурматда бўлади, деганлари шу экан-да!

Саидусмон ақанинг 6 та фарзанди бор. Ўғиллари ва қизлари, набиралари, келинлари давра қуриб ўтиришганда, қаҳрамон ота немис фашистлари билан бўлган жанг хотираларидан ҳикоя қилиб беради. Улаони тинч турмуш қадрига етишларини, доимо халқ хизматида бўлишларини талаб қилади ва шунга ундайди.

Ҳ. ШОДИЕВ,
Т. АЗИМОВ.

СУРАТДА: Старший сержант Н. Бондаренко машғулот пайтида.

А. Асанов фотоси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

«ОЙНАВАНД ШАҲАРЧА»

Самарқанд областидаги ихтисослаштирилган «Москва» колхози Ўзбекистонда сабзавот етиштирувчи энг йирик хўжаликларнинг биридир. Бу колхозда бодринг етиштириладиган биринчи типовой теплица қурилиши тамомланди. Жами икки гектар майдонни эгаллайдиган ана шундай «цехлар»нинг яна ўн учтаси март ойининг бошларида фойдаланиш учун топширилади.

Комбинатда сабзавот газ ёрдамида теплицани иситиш йўли билан етиштирилади. Ярим гектар майдонда болгар типидаги теплица қурилиши кўкламгача тугалланади.

Ленинград университетининг Катта химия аудиториясида лекция пайти.

Б. Манушин фотоси. АПН.

УЧРАШУВ

ДУШАНБА. Тожикистонда энг йирик олий ўқув юрти Т. Г. Шевченко номидаги Душанба педагогика институтининг студент қизлари республиканинг таниқли аёллари билан учрашдилар. Бу кишилар орасида Тожикистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Раҳимова, Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари Г. Бобосодиқова ва Р. Тоғаева, фалсафа фанлари доктори М. Ғаффорова, ёш шоира Гулрухсор Сафиева, олималар, санъат ва маданият рабоблари бор эди. Улар қизларга ўз ишлари тўғрисида гапириб, бўлажак педагогларга истакларини изҳор қилдилар.

(ТАСС).

ЭМБА ОЛТИНИ

Геологлар Эмба дарёсининг юқори қисмида очилган юбилейное олтин конини кончиларга топширдилар. Бу ерга нодир металлни қазиб-чиқарувчи дастлабки кишилар келдилар. Янги олтин хазинасида иш очиқ усулда олиб борилади.

(ТАСС мухбири).
Олмаота.

ЎТГАН АСР ҚУДУҚЛАРИ

Бокунинг «Лениннефть» бошқармасига қарашли 6-корхонасидаги бурғилаш вишкалари орасида оқ тошдан қилинган обелиск кўзга ташланиб туради. Унинг мармар тахтасига «Бу ерда 1871 йилда Балахан—Сабунчинск —Раманинск конларида саноат ишловини бошлаб берган биринчи қудуқ бурғиланган эди» деб ёзилган. Боку нефти ана шундан бошлаб шуҳрат қозонабошлади.

Бу биринчи қудуқ аллақачондан бери ҳаракатсиз турибди. Бу қудуқ оғзидаги пойдевор сақланиб қолган, холос. Унинг кўпгина тенгдошлари ва ҳатто кейин қурилганлари ҳаракатсиз... Нефть қудуқларининг умри қисқа бўлади-да. Аммо Бокунинг эски корхоналари ва қудуқларидан узоқ умрлилари ҳам бор. Улардан бири 2П-қудуғи бўлиб, у 1884 йилдан буён ишлаяпти, ёши саксон бешда. Техника паспортида кўрсатилишича, бу қудуқдан ярим миллион тоннадан кўпроқ «қора олтин» олинди.

«Лениннефть» нинг 6-корхонасида ўтган асрнинг ўнлаб қудуқлари ишламоқда. Нефтчилар бир қанча вақт ҳаракатсиз ётган етмиш яшар 29-қудуқни яқинда яна ишга туширдилар. Унинг забой олди зонаси олтингугурт кислотаси билан ишловдан чиқарилгандан кейин ишлай бошлади.

Михаил ПЛЕСКАЧЕВСКИЙ.
(АПН).

ТАТАРИСТОН АССР. Қозондаги музика асбоблари фабрикаси йил бошидан янги «Чайка» пианиносини тайёрлашга киришди. Корпуси яхшиланган бу соз жуда яхши оҳанг чиқариш хусусиятига эга бўлиши туфайли музика ҳаваскорларининг кенг оммасини ўзига жалб қилади. Биринчи партия—100 пианинони савдо ташкилотларига жўнатди. Фабрика коллективи йил охиригача 2700 асбоб ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: созловчи В. Пискунова (чапдан) ва йиғув цехининг мастери М. Корякина янги «Чайка» пианиноси тайёрланадиган участкада.

Б. Мясников фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲАВАСКОРЛАР КЎРИГИ

Уч кун давомида геологларнинг республика клубида геолог ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар, ўзаро мусобақалашдилар. Бу кўрикда республикамиз геологик ташкилот ва муассасаларидан 200 га яқин киши иштирок этди.

Кўрик комиссиясининг қарорига биноан биринчи ўрин Уст-Юрт геологларига берилди. Иккинчи ўринни эса қаршилик нефть қидирувчилар эгаллашди. Учинчи ўрин Самарқанд олтин қидирувчиларига тегди.

Апрель ойида кўрик ғолиблари Самарқандда бўладиган геологларнинг Бутуниттифоқ слётида якунловчи концерт қўйиб берадилар.

Ягона оила

Тошкент давлат университетида 40 дан ортиқ миллат вакилларининг фарзандлари илм чўққилари сари шаҳдам қадамлар билан бормоқдалар. Буни фақат бир география факультети мисолида ҳам очиқ-ойдин кўрса бўлади. Факультет ташкил этилгандан буён мамлакатга географлар, гидрологлар, агреметеорологлар, геодезист, картограф каби мутахассислар етиштириб чиқардики, уларни ҳозир мактаб педагогика коллективи орасида, илмий текшириш институтларида, каттагина сув омборлари инженерлари лавозимида, ҳатто мамлакатимизнинг тоғли районларида жойлашган гидрометеорологик станцияларда... хуллас ҳамма жойда учратса бўлади. Бу факультетда бугунги кунда ўндан ортиқ миллат вакиллари, жумладан ўзбек, рус, қозоқ, туркман, корейс, татар, бошқирд, тожик, қирғиз, яҳудий, мўғул каби миллат вакилларининг студентлари ягона бир оилага бирлашганлар.

Мўғулистон Халқ Республикасидан келган ёшлардан Б. Цембельдорж, Сумия, Цивендорж, Цампельснора, Дэшикдоржлар бугунги кунда диплом устида иш олиб бормоқдалар. Ҳадемай, улар диплом ишини муваффақиятли ёқлаб, она юртларида табиий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ишга солиш йўллари устида бош қотирадилар.

Мўғулистон ёшлари олий маълумот бўсағасида турар эканлар, аввало ўқиш шароитини яхши ташкил этган университет ректорати коллективидан, хусусан гидрология—сув тўғрисидаги фан илмини эгаллаб олишларида бевосита таълим берган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор В. Л. Шульц раҳбарлик қилаётган қуруқлик гидрологияси кафедраси ўқитувчиларидан беҳад хурсанд бўлмоқдалар.

Бу айтилганлар университет фаолиятининг бир бўлагинигина ташкил этади холос. Биз бу илм масканида таълим олар эканмиз, доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг Шарққа эътибори кучли бўлганлигини, қачонлардир Совет Шарқида ҳам буюк олимлар, олий маълумотли мутахассислар етишиб чиқишига умид кўзи билан қараганлигини яққол кўрамиз.

Ҳа, В. И. Ленин орзу қилган даврни мана бугун Ўзбекистон мисолида кўрсак бўлади. В. И. Ленин асос солган дорилфунундан академиклар Т. Н. Қориниёзий, С. Х. Сирожиддинов, Т. А. Саримсоқов ва бошқа олимлар етишиб чиқдиларки, уларнинг фан соҳасида очган сирлари бутун оламга тарқалди. Биз ёшлар доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик тўйини ўқишда ва жамоат ишларида фақат яхши ва аъло баҳолар билан кутиб олишимиз керак.

Н. УМИРОВ
студент.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

МАМЛАКАТИМИЗДА улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига зўр тайёргарлик кетмоқда. Пойтахтимиздаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб коллективи ҳам шу улуғ кунни муносиб кутиб олиш учун яхши тайёргарлик олиб бораётир.

Мактабда доҳиймиз Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолиятини чуқур ўрганиш мақсадида алоҳида «Ленин хонаси» ташкил этилган. Хонага кирган киши дастлаб В. И. Ленин портретини кўради. Ўнг томонда «Ленин бўлган жойлар» деган катта стенд бўлиб ундан доҳийнинг қачон қаерда бўлганлигини билиб олиш мумкин. Чап томонга эса «Ленин васиятлари амалда» панноси қўйилган. Унда мамлакатимизда қурилган йирик гидроэлектростанциялар кўрсатилган. Унинг ёнидаги кнопкани боссангиз кўпгина лампочкалар ёнади. Баъзилари эса ёнмай қолади. Ёнган лампочкалар 50 йил ичида қурилган электростанцияларни, ёнмаганлари эса энди қурилиши керак бўлган нур манбаларини кўрсатади. Бу ажойиб стенд ва панноларни мактабдаги ёш географлар, физиклар тўгарагининг актив аъзолари ишлаганлар.

Бундан ташқари, хонага В. И. Ленин ва унинг энг яқин сафдоши Н. К. Крупскаянинг ҳаёти ҳамда революцион фаолиятини акс эттирувчи фотоальбомлар қўйилган. Шкафларга Ленин ва унинг сафдошлари ҳақида чиқарилган китоб ва бошқа материаллар қўйилган.

Мактабда ташкил этилган ёш қаламкашлар тўгараги аъзолари ҳам улуғ доҳий туғилган кунни муносиб нишонлаш учун кўпгина ишларни амалга оширишмоқда. Тўгаракка актив жамоатчи ўқитувчилардан Роҳатой Жалилова раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, тўгарак аъзолари Ленин ҳақида ёзилган асарлардан парчалар ёдлаб, «Ленинча ўқиш»га алоҳида ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар яқинда мактабда ўтказиладиган кечада ўз маҳоратларини намойиш қилишади.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
ўқитувчи.

ЭЛЕКТРОН ХИМИЯ ХОДИМЛАРИ

Латвия Фанлар академиясининг органлик синтез институтида ўрнатилган ҳисоб машинаси неча минглаб бошқа машиналарга ўхшайди. Машина пульти ёнида оператор ўтиради, иш столлари ёнида эса математиклар ва программа тузувчилар ўтиришади. Шунга қарамай мазкур машина бажарадиган вазифалар бир мунча ғалати: машина химиявий реакцияларни планлаштиради.

Муайян биологик активликка эга бўлган ҳар бир янги дорини кашф этишдан олдин неча юзлаб моддалар синовдан ўтказилади. Шундан сўнг бўладиган лаборатория тадқиқотларининг ҳам машаққати оз эмас: бунда ана шу дорини олиш технологияси аниқланади. Катализатор танлаш, дастлабки моддалар концентрациясини, реакцияга таъсир кўрсатувчи босим ва бошқа факторларни аниқлаш учун яна неча юзлаб экспериментлар ўтказилади.

Институт директори Латвия ССР Фанлар академиясининг академиги С. А. Гиллер ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Энди бундай тажрибалар сонини 10-15 тага қисқартириш мумкин. Электрон мия ҳар бир тажрибадан олинадиган маълумотларни ишлаб чиқади ва қандай қилиб яхшироқ натижага эришиш мумкин эканлигини айтиб беради. Процесс уюшган ҳолда самарали йўлга қўйилади. Зотан бу химия кибернетикасининг дастлабки қадамларидир. Ҳозирча одам машинага информация киритиб туради. Кейинчалик бориб керакли барча маълумотлар машинага автомат тарзда ўтиб туриши мумкин.

С. ШПУНГИН,
(ТАСС мухбири).
Рига.

●Фан оламида

ҚОЗОҒИСТОННИНГ „МАЛАХИТ ҚУТИСИ“

Қозоғистон Фанлар академиясининг биология музейига 40 мингинчи экспонат қўшилди. Бу экспонат Марказий Қозоғистоннинг Отасу темир руда конидан келтирилган 90 килограммли гематитгакровик — металдек ярқироқ ва қизғимтир товланувчи қоратош парчаси эди.

Музейни Қозоғистоннинг «Малахит қутиси» деб аташади. Унинг бешта кенг намойиш залларида тоғ жинслари, руда ва минералларнинг турли намуналари қўйилган. У Совет Иттифоқининг энг катта геологик музейларидан бири бўлиб, бу ерда Менделеев даврий жадвалидаги қарийб ҳамма элементлар мавжуд. Бу минераллар мажмуи Қозоғистоннинг халқ хўжалигига хизмат қилаётган ва хизмат қилдириладиган хазиналари сон-саноқсиз эканлигидан далолат беради.

О. ОГНЕВ,
(ТАСС мухбири).
Олмаота

ОЛТИН КОНИДАН ТОПИЛГАН ОТ

Индигирка дарёси ҳавзасидаги олтин конларидан бирида 8 метрли чуқурликда қадимги от қолдиқлари топилди. Суякларни текшириб кўргани Ленинградга юборилди.

Бу қадимги ҳайвоннинг бир қисми абадий музликда ётиб яхши сақланган. От бундан камида 15—20 минг йил илгари яшаган.

Таниқли совет палеонтологларидан бири профессор Н. К. Берешчагин (СССР Фанлар академиясининг Зоология институти) топилган нарса ҳозирги ёқут отининг узоқ ўтмишдаги аждоди тўғрисида биринчи марта тасаввур беради, деган.

(ТАСС мухбири).
Ленинград.



Москвадаги «Мосрентген» заводи фақат медицина аппаратлари ишлаб чиқарибгина қолмай, саноат учун турли шароитларда фойдаланиш мумкин бўлган рентген ва гамма аппаратларини ҳам етказиб бермоқда.

СУРАТДА: кўчма саноат аппарати «РУП — 150 — 10» монтаж қилинмоқда.

В. ТРЕПЕТОВ фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ШИФОКОР МИНБАРИ

ТИШИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ

Соғлом тиш — киши организмининг соғлом бўлиши гаровидир.

Медицинанинг турли соҳаларида олиб борилган илмий ишлардан олинган натижалар бу фикрнинг ғоят тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Баъзи ўртоқлар киши организмида бўладиган касалликларнинг келиб чиқишига, оғиздаги тишлар, жағ ва бошқа аъзоларининг етарлик даражада соғлом эмаслиги сабаб бўлишини билмасалар керак. Масалан ангина, ревматизм, ошқозон, ичак ва бошқа касалликлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари оғиздан ёқимсиз ҳид келиши, сўзларни яхши талаффуз қилмаслик, юз ва кўзлари ҳар қандай келишган кишининг ҳунук бўлиб кўриниши сабабчисидир. Яхшироқ тасаввур қилиш учун баъзибир касалликлар билан танишиб чиқиш мумкин.

Тишнинг чириш касаллиги, буни медицинада кариес дейилади. Тишда кариес касаллиги сабабли кейинроқ кавак ҳосил бўла бошлайди. Тишда пайдо бўладиган бундай кавак микробларнинг кўпайиши учун жуда қулай шароит яратади. Бундай шароитда микроблар ва улардан ажраладиган заҳарли моддалар қон оқими билан кишининг ички аъзоларига боради ва унда ҳар хил касалликлар қўзғатади. Бунинг олдини олиш учун чириган, даволаб бўлмайдиган тишларни ва уларнинг илдизларини олиб ташлаш лозим. Даволаб бўладиган тишларни эса дарҳол даволатиб, ундаги кавакларни пломбалаш керак.

Шахсан хотин-қизларга шу ҳақда икки оғиз маслаҳат. Одатда аёлларнинг ҳомиладорлик даврида тишлари чириб, тез ишдан чиқа бошлайди. Бундай аҳволни деярли ҳамма аёлларимиз биладилар. Бунга сабаб нима?

Сабаби шундан иборатки, она қорнидаги бола ўзига керакли бўлган ҳар хил витаминлар, минерал тузларни она истеъмол қиладиган таомлардан олади. Шу сабабли онанинг суяк ва тишлари мустаҳкамлигини ошириб турадиган тузлар етарли бўлмай қолади ва бунинг натижасидан она тишларининг гистологик тузилиши бузилиб, тишларда каваклар яъни кариес касаллиги ҳосил бўлиб, ишдан чиқа бошлайди.

Бунинг олдини олиш учун айниқса ҳомиладорлик даврида аёлларимиз витамин ва минерал тузларга бой бўлган карам, сабзи, картошка, олма, анор, тухум, сариёғ ва шунга ўхшаш таомлардан истеъмол қилиб туришлари лозим.

Одатда оғизда тишлар етарли бўлса, овқатни чайнаш осон бўлади ҳамда оғиздаги безлардан сўлак ва бошқа ҳазм қилувчи моддалар кўпроқ ажралиб чиқади, овқат осонлик билан ҳазм бўлади.

Агарда тишлар йўқ бўлса, ёки бўлса ҳам чайнаш қобилиятига эга бўлмаса аввало овқат оғизда яхши майдаланмайди ва оғизда кам туриб овқатларни ҳазм қилувчи сўлаклар кам ажралган ҳолда ютилади. Бундай майдаланмай, сўлаксиз ютилган овқат ошқозоннинг нозик шиллик пардасига ботади ва уни ҳазм қилиш учун ошқозон ортиқча куч сарфлайди.

Натижада ошқозон ва ичак пардасининг анатомик тузилиши аста-секин ишдан чиқа бошлайди ва ошқозон ҳамда ичак касалликлари содир бўла бошлайди. Шундай қилиб юқорида айтиб ўтилган кўнгилсиз ҳолатлар юз бермаслиги учун, оғизда тишлар бўлмаса ёки бўлса ҳам чайнаш қобилияти паст бўладиган бўлса тегишли мутахассислар ёрдамида сунъий тишлар қўйдириб олиш лозим.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи бир кишилар, айниқса ёшлар олифта бўламан, деб сира керак бўлмасада соғлом тишларига олтиндан қоплама қўйдирадилар. Бу албатта кераксиз бўлиб, соғлом тишнинг ишдан чиқишига сабаб бўлади, холос. Ҳар бир киши тишлари оғриши-оғримаслигидан қатъи назар ҳар йили икки марта стоматологларга кўрсатиб туриши лозим. Тишда чириш бошланган бўлса, қийшайиб ўсаётган бўлса, оғизда тишлар етарли бўлмаса ёки бошқа касаллик бўлса уни сезган врач тезда чора кўради.

Тошкент медицина институти қошидаги стоматология кафедраларида юқори малакали терапевт, хирург ва ортопед стоматологлар мавжуд. Бу мутахассислар тишларни даволаш, олиш, қўйиш ва қийшиқ тишларни тўғрилаш ҳамда ҳар хил сунъий тишларни қўйиш имкониятига эгадирлар.

Тиш оғриғи азобини тортаётганлар, марҳамат, келинг, хизматингизга тайёрмиз!

М. МИРЁҚУБОВ,
доцент, ортопедик стоматология кафедрасининг мудири.



СУРАТДА: Марказ-13 кварталининг кўриниши. Бу микрорайонда энг замонавий архитектура лойиҳалари бўйича ўнлаб турар-жой бинолари, болалар муассасалари, медицина ва маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. М. Нуриддинов фотоси.

«Ўзбекистон олтини»

ТОШКЕНТ. Республика Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти «Ўзбекистон олтини тўғрисидаги йирик илмий асар нашрдан чиқди. «Ўзбекистонда олтин бор жойларни руда формациялари ва асосий чегаралари» деб номланган бу китобнинг муаллифлари олтин конларини қидиришда бевосита қатнашган республикадаги йирик олимлар ва геологлардир. Уларнинг ёрдами билан Ўзбекистон территорияси, монографияда айтилгандек, СССРнинг бой олтин конларидан бирига айланиб қолдики, илгари Ўзбекистонда олтин қидиришнинг истиқболи йўқ деб санаганди.

Китобда олтин конларини қидириш, разведка қилиш ва ана шу конлардан фойдаланиш борасида, жумладан, нодир олтин кони — Қизилқумдаги Мурунтов олтин конини қидириш ва разведка қилиш ва унга баҳо бериш борасида олиб борилган кўп йиллик тажрибасига муфассал тўхталиб ўтилган.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ДАНИЯДА В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС). Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллик юбилейи муносабати билан «Тиден» нашриёти В. И. Ленин танланган асарларининг уч томини данияликлар тилида босиб чиқарди.

Шу нашриёт юбилей муносабати билан В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» ҳамда «Нима қилмоқ керак?» деган гениал асарларини ҳам қайтадан нашр этди.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПНОМПЕНЬ (ТАСС). Қўшма Штатлар ва Сайгон маъмурлари Камбоджага қарши иғвогарлик ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Кхмер Пресс агентлигининг хабар беришича, Америка — Сайгон авиациясининг разведкачи самолётлари 10 январдан буён доим Камбоджа осмонига бостириб кирмоқдалар ва Мондулькири вилоятидаги Пукле қишлоғи устида учиб юрибдилар.

СУРАТДА: Перник шаҳридаги фольклор фестивали ўйинларида.

Бу ўйин Болгарияда қадим замонлардан бери сақланиб қолган. Унинг асосий мақсади «ёвуз жинларни» қўрқитишдан иборат эди. Ҳозир эса у шодиёна қишлоқ байрамига айланган.

БТА—ТАСС фотоси.

КУБА Республикаси. 1969 йил ҳосили йиғилмоқда. Ҳар куни шаҳар ва посёлкаларда шакарқамишни ўришни истаган минглаб кўнгиллилар далага чиқишади.

СУРАТДА: механизмлар билан шакарқамишни ўриш.

Пренса Латина — ТАСС фотоси.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

РАВАЛЬПИНДИ. Покистон президенти Аюбхон мамлакатдаги фавқулодда аҳволни бекор қилди. Фавқулодда аҳвол Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги можаро кескинлашган 1965 йилнинг сентябрида жорий қилинган эди.

БАЗАЛАР ТУГАТИЛСИН

ЛОНДОН Англияда яшаётган кипрликлар миллий комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида Кипр халқи оролдаги инглиз ҳарбий базалари тугатилишини талаб қилади, дейилади. Комитет берган баёнотида Англия мудофаа министри Хилининг Ғарбий Германияда чиқадиган «Шпигель» журнали мухбири билан қилган суҳбатини қаттиқ қоралайди. Бу суҳбатда Араб мамлакатларига қарши Исроилни қўллаб-қувватлаш учун мана шу базалардан фойдаланамиз, деб дўқ урилган.

РИЁКОРЛИК

ЛАГОС. (ТАСС). Америка конгресси аъзоларининг вакиллар палатаси аъзоси Чарльз Диггс бошчилигидаги группаси Биафрага, яъни Нигериянинг шарқида жойлашган ва бу мамлакатдан ажралиб чиққан территорияга қилган икки кунлик сафаридан кейин Котонга қайтиб келди. Америка конгрессининг аъзолари ана шу сафари вақтида сепаратчилар режимининг бошлиғи Одумегву Оджуқву билан ва сафбузарларнинг бошқа раҳбарлари билан учрашдилар.

Шу муносабат билан ТАСС шарҳчиси В. Крюков қуйидагиларни ёзади:

Шуни айтиб ўтиш керакки, Америка конгрессининг аъзолари кейинги вақтларда Биафрага бу билан иккинчи марта сафар қилишди. Америка сенатори Чарльз Гуделл ва вакиллар палатасининг аъзоси Алан Лоуэнстейн февраль ойининг бошларида шу территорияда бўлган эдилар. Улар ҳам шарқий Нигерия сепаратчиларининг раҳбарлари билан музокара олиб борган эдилар.

Меҳнат ва капитал

Капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

АМЕРИКАНИНГ Атлантик океани ва Мексика кўрфази соҳилидаги докерларидан 53 минг кишининг забастовкаси давом этмоқда. АҚШнинг шарқий соҳилидаги энг йирик Нью-Йорк порти докерларидан 22 минг кишигина ҳозирча забастовкани тўхтатиб, ишга киришди. Улар иш соатларининг бутун йил мобайнидаги гарантияланган миқдори ҳақидаги ва иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларининг шартномага киритилишига муваффиқ бўлдилар.

АВСТРАЛИЯ темир йўл транспорти машинистлари ва кочегарларидан 13,5 минг кишининг забастовкаси икки кун давом этганидан кейин маъмурият вакиллари иш ташловчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришга рози бўлдилар. Мамлакат темир йўлларида поездлар яна қатнай бошлади.

ТОКИО транспорти ишчилари, Покистоннинг медицина ходимлари, Ирландиянинг ремонт ишчилари, механиклари ва электриклари иш ташладилар. Лиссабон яқинидаги (Португалия) «Форд» ва «Женерал моторс» автомобиль заводларининг меҳнаткашлари, Лондон ва Бристоль ўқитувчилари, Аргентина полиграфчилари ўз талабларини қондириш учун курашни давом эттирмоқдалар.

(ТАСС).

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА КРИЗИС

ПАРИЖ. Франция Ғарбий Европадаги 7 мамлакат («Умумий бозор» мамлакатлари ва Англия)ни бирлаштирувчи ҳарбий-сиёсий ташкилот бўлмиш Ғарбий Европа иттифоқи доираларидаги ҳар қандай фаолиятини тўхтатажагини расмий равишда эълон қилди.

Франциянинг қаттиқ эътирозларига қарамай, Англия маъмурларининг қистови билан Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилмоқ учун Лондонда Ғарбий Европа иттифоқи кенгаши мажлисининг чақирилиши Ғарбий Европа иттифоқидаги ҳозирги кризиснинг бевосита баҳонаси бўлди.

ЯРАШ ШАРТЛАРИ БУЗИЛМОҚДА

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги Озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб қуйидагиларни билдиради: ой санасидаги янги йил муносабати билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти яраш эълон қилган эди. Қўшма Штатлар ва Сайгон маъмуриятининг қўшинлари яраш шартларини бузишни давом эттирмоқдалар.

ВАРШАВА. Пшесюк кўчасидаги мебель магазини.

Сурат «Варшава» журналидан олинган.

АҚШнинг МИЛЛИЙ ОФАТИ

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири О. Аничкин хабар беради.

Ишлаб чиқаришда рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар ва профессионал касалликлар натижасида америкаликлардан ҳар йили минглаб кишилар ҳалок бўлмоқда. Ғарбий Виржиниядаги кўмир шахталаридан бирида ўтган йилнинг ноябрь ойида фожиона ҳалокат рўй берди. Шахта ичида бўлган портлаш натижасида 78 кончи тириклайин кўмилиб қолди. Шу фожиона воқеанинг ўзи монополиялар катта-катта фойда кетидан қувиб, техника хавфсизлигига назар-эътибор қилмаётганликларни яна бир марта кўрсатди.

Матбуотда босилган хабарларга қараганда, Америка Қўшма Штатларида ҳар куни ўртача ҳисобда 50 ишчи саноат корхоналарида ҳалок бўлмоқда.

Ишлаб чиқаришда ишчиларнинг шикастланиши кейинги йилларда миллий офатга айланиб кетди, деб ёзади Американинг таниқли социолог олими Ральф Найдер «Нейшн» журналида босилган мақоласида, ҳозирги Америкада бу фожиали проблеманинг асосий сабаби шуки, деб ёзади олим, техника хавфсизлигига эътибор берилмаётир ва ишчиларга зарур даражада медицина хизмати кўрсатилмаётир.

Касаба союзларининг кўпгина раҳбарлари, деб ёзади олим, «Ишчиларнинг хавфсизлигини ва соғлиқни сақлашни таъминлашга хўжайинлар бутунлай парвосизлик билан қараётганликларини» кўриб турсалар ҳам, бунга индамаётирлар.

МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ИШ ТАШЛАШ

Италия ўзининг кейинги йиллардаги энг йирик социал зиддиятлари таассуроти остида яшаяпти. Рим матбуотининг маълумотларига қараганда 5 февралда бўлиб ўтган 24 соатлик иш ташлашга 20 миллионга яқин киши қатнашган. «Унита» газетасининг қайд қилиб кўрсатишича, бу иш ташлаш «меҳнаткашларнинг жипслиги ва кучини исботлаб кўрсатди». Бу ердаги матбуот бўлиб ўтган иш ташлаш ҳақидаги шарҳларга тўла. Пролетар оммасининг ўз миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган бу чиқиши мамлакатдаги уч етакчи касаба союз маркази — Бутун Италия меҳнат бирлашмаси, Италия меҳнат союзи ва Италия меҳнаткашлар касаба союзининг бирлашмаси томонидан биргаликда ташкил этилишидек факт айниқса қайд этиляпти. Бу факт ҳақиқатан ҳам аҳамиятли! Ахир кейинги йигирма йил ичида ишчилар синфининг социал фронтда бунчалик қатъий ягона ҳаракати кузатилмаган эди-да.

— Италиядаги иш ташлаш ҳаракати пенсия системасини ислоҳот қилдириш, иш ҳақи масаласида мамлакатнинг қолоқ районларидаги меҳнаткашларни камситишни бекор қилдириш, ишдан бўшатишларга барҳам бериш, мактаблардаги таълимни ислоҳот қилдириш, қишлоқ хўжалигида қайта қурилишлар учун кураш олиб бориш деган асосий талаблар байроғи остида қулоч ёймоқда, — деди ВИКП бош секретари Агостино Новелло умумий иш ташлашнинг иккинчи куни.

— Италия меҳнаткашларининг умуммиллат иш ташлашида актив иштирок этиши, — деди Новелло, — унинг аҳамиятини камайтириш учун қилинган урinishларни улоқтириб ташлади. Касаба союз ташкилотларининг янги, янада юксак даражадаги бирдамлиги меҳнаткашларнинг курашга бўлган қудратли иродасига қўшилиб кетди ва ғалаба қилиш учун керак бўлган қулай шароитни таъмин этди.

Шунингдек, Новелло Италияда ўтган йил иш ташлаш ҳаракатининг қудратли равишда кўтарилиши билан нишонланганини кўрсатиб ўтди. Бу иш ташлашларга миллионлаб меҳнаткашлар қатнашди. 1968 йилдаги синфий жангларнинг ўзига хос хусусияти меҳнаткашлар оммасининг турмуш ва иш шароитларини ёмонлаштиришни тугатиш, бугун ва эртаги куннинг конкрет яхшиланиши учун илгари мисли кўрилмаган қатъийлик ва руҳий бирдамлик билан кураш олиб борилишидадир.

Пенсия ислоҳоти учун кураш пенсионерларнинг ўзи учунгина тааллуқли бўлиб қолмай, бу кураш умуман барча меҳнаткашларнинг социал аҳволида кескин бурилиш юзага келтиришга эришиш учун ҳам қаратилгандир.

И. БОЧАРОВ,
АПН мухбири.

УЛАР содали жин (арақнинг бир нави— тарж), ичиб саҳро ҳақида гап сотишди, борди-ю бирор киши «машина»ларини қидириб топмоқчи бўлса, адашиб кетсин деб, жўрттага унинг «қумга тиқилиб қолган» жойини тилга олишди. Офицерларнинг кузатувчи олмай саҳрода сайр қилишга жазм этиш учун ўтакетган овсар бўлиш керак деган фикрларига жон-жон деб қўшилишди. Кейин уларни овқатлантириб, Ассиут станциясига олиб бориб қўйишди. Ихтиёрларида ҳали кўп бўш вақтлари бор эди. Қоҳирадаги поезд кечаси жўнаб кетарди.

Эпплер ўзини кайфи чоғ сезди! Унинг учун яна арабча сўзлашиш нақадар соз эди. У сотувчилар билан савдолашар ва беғараз тегажоғлик қиларкан бозорда Монкастерни ўзи билан эргаштириб юрди.

— Бизга хизматкор керак, — деди кейин у жиддийлашиб. — Иккита офицерга ишончли ҳамда ишчан хизматкор топиб беролмайсизлармн?

Тез орада бозорчилар тўдасидан улар олдига бир суданлик туртина-туртина чиқиб келди. Унинг кулги тўла юзига қабиласининг тамғалари ўйиб босилган эди. Суданлик улар билан саломлашгач шундай деди:

— Исмим Муҳаммад. Донгданман. Мистерга ўз тавсияномамни кўрсатмоқчиман.

У Мисрдаги хизматкор суданликларнинг ҳаммасида бўладиган, эскириб титкиланиб кетган бир даста қоғозни узатди. Бу қоғозларда суданликнинг уй хизматкори сифатидаги фазилатлари грек, итальян ва инглиз тилларида санаб ўтилган эди. Кейин Эпплер билан суданлик ҳар икковлари ҳам Қоҳира ҳақида, сабзавот нархлари, хизматкор сақлаш шартлари ҳақида ярим соатча ҳузур қилиб гаплашишди ва ниҳоят бир фикрга келишди. Шунга мувофиқ Муҳаммад Эпплерга ойига беш фунтдан ҳақ оладиган хизматкор сифатида ёлланадиган бўлди.

Сўнгра Эпплер шундай таваккалликка бордики, бундан Монкастернинг миясига сал бўлмаса нақ қон қуйилиб кетай деди. Эпплер пул билан радиоаппаратура солинган ҳар иккала саквояжни ҳам олдида, уни янги хизматкорига берди.

—Ма, ол.—деди у хотиржам—эртага эрталаб бизни Қоҳира вокзалида кутиб оласан. Булар кийимларимиз, шаҳарга боришимиз билан керак бўлади бизга. Агар буларга бир нарса бўлса, терингни шилиб оламан. Муҳаммад, ундан бир қадам ҳам нари кетма.

— Тушунарли, — Муҳаммад кулиб қўйди. — Буларни ўз жонимдек асрайман.

Шундан кейин иккала саквояжни елкасига ташлаб, одамлар орасига қўшилиб кетди.

—Шунчалик ҳам аҳмоқ бўлиш мумкинми?— деб қичқириб юборди Монкастер.

—Хавфсиз бўлишнинг бундан ортиқ йўли бўлмайди.—ажабланмай жавоб берди Эпплер —Қўрқманг. Мен суданликларни биламан. У чемоданларни айтган жойимизга эсон-омон олиб боради.

Дарҳақиқат эртасига эрталаб Муҳаммад уларни Қоҳира вокзалида кутиб турарди.

— Саида, ия бей, — деди у Эпплерни кўриши биланоқ.— Инглиз капрали кечаси поездга кирди. Саквояжларни очмоқчи бўлди. Мен этдимки, сиз инглиз офицери жуда жаҳлдорсиз. У кетди, ҳозир қаерга борамиз, ия бей?

— Шепард отелига. Ичишимиз керак.

— Ичганда ҳам шунчаки ичмай, маст бўлгунча ичишимиз керак, —гапни ойдинлаштирди Монкастер.

Ўша куни кечаси Қоҳира яқинидаги Гарден-сити пансиони хоналаридан бирида улар Жагодан йўлга чиққанларидан кейин биринчи марта Монкастер саквояждаги рацийлардан бирини олишди. У рацийни бир соат давомида тўғриларкан, шу орада Эпплер стол ёнида ўтириб олиб биринчи маълумотни шифр (маҳфий ёзишма учун қабул қилинган шартли белгилар — тарж.) билан ёза бошлади.

Ярим кечада радиограммалари эфирга кетди. «Кондор» гапиради. Белгиланган жойга етиб келдик. Операцияни бошлашга тайёрмиз.»

Иккала жосус энгашиб олиб рацийга қулоқ солишаркан; «Қабул қилдик. Муваффақият тилаймиз», деган жавоб олгунларича орадан бир соат вақт ўтиб кетди.

Леонард МОУСЛИ

„Кондор"
операцияси

Монкастер рацийни жойлаб бўлгач, эснади.

— Бор, ухла, —деди Эпплер. — Чарчадинг.

—Сен нима қилмоқчисан?

— Бу менинг туғилган шаҳрим-ку! Йўқ пайтимда қандай ўзгаришлар бўлганини бориб кўраман.

Ҳадемай Эпплер кенг, серқатнов Қаср эль-Нил кўчасида пайдо бўлди. Мени биров таниб қолмасин деган қўрқув йўқ эди унда. Мисрдан кетишидан олдин у ўгай отасининг Қуйи Мисрдаги ер-мулкига «узоқ вақтга жўнаши» ҳақида шов-шув тарқатган эди, энди бунинг қандай ҳайрон қоладиган жойи бор? У ўз ниятидан воз кечиб, қайтиб келди. У яна Хусайн Ғаффор бўлиб олди. У билан ҳечкимнинг иши йўқ.

У «Континенталь» отелига кириб, лифтда энг охирги қаватга, аниқроғи томга кўтарилди. Кабаре ўша ерда, очиқ ҳавода жойлашган эди. Инглиз офицерлари орасидан ўтиб бораркан у прилавкага интилаётганларга хушфеъллик билан йўл берарди. Яна Қоҳиранинг тунги илиқ ҳавоси билан нафас олиш, шарқ куйларини эшитиш қандай маза эди! Бу оқшом кабареда Тахия Кариока рақс тушарди. Эпплер уни урушдан олдин ҳам танирди. Шунинг учун ҳам унинг чала-чулпа рақс тушадиган бўлиб кетганини, кўриниши, қадди-қоматининг ҳам ўзгариб айниганини пайқамай қололмади. Мақомлари сийқа, суюқ бўлиб кетибди. Нозик ҳиссиётлар ўрнини қўпол қийшанглашлар эгаллабди. Бу уни ранжитди, лекин раққосанинг инглиз офицерлари билан бемалол гаплашаверишини кўриб қаноатланарли илжайиб қўйди.

У бу ердан ҳечкимга ўзини танитмай чиқиб кетди-да, Кит-кэт кабаресига йўл олди. Бу ернинг одамлари нозикроқ эди.

Тўғри, Кит-кэтда ҳам кўпгина столларни инглиз офицерлари эгаллаган, лекин улардан ташқари бу ерда араблар, коптлар[1] ва греклар ҳам бор эди.

Бир группа акробатлар тенги йўқ мувозанат техникасини намойиш қилишди, гўзал венгер қизи «Уруш шитир-шитири»ни ижро этди. Америкалик узун, тор кўйлакли ва цилиндрли, шиддатли ва ёқимтой опа-сингиллар «эшик оғаси ва оқсоч»дан оммавий лапарлар айтиб беришди.

Мана, ниҳоят Хикмат Фотимий пайдо бўлди. У мисли йўқ раққоса эди, десак муболаға қилмаган бўламиз. У «Қорин рақси»ни европаликларнинг қўлидан келмайдиган зўр санъат билан ижро этарди.

Европалик учун бу рақс эротикагина холос. Шарқ кишиси бу рақсдан кўпроқ нарсани кўради. Рақс ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилганида у ҳам сесканади, бу шубҳасиз, лекин сескангунига қадар раққосанинг кифт қоқишларини, қўл ўйнатишларини, оёқ босишларини ва айниқса, қорин мускулларини музика оҳангига жўр бўлиб нақадар мақом билан қимирлатишларини, қисқаси, эмоционал элементлар билан мақом ва музика элементларининг бир-бирига жипс таъсир қилишини эътибор билан кузатади. Шундай раққосалар борки, улар санъатнинг бу турига юзаки қизиқувчи кишиларни ҳаяжонлантиришга лаёқатлидирлар лекин благонларни қизиқтиролмайдилар. Хикмат Фотимий у тоифадагиларнинг ҳам, бу тоифадагиларнинг ҳам завқини қондира биларди. У рақсга тушганида ҳечким бепарво қола олмасди.

Ўша куни кечқурун Хикмат Фотимийнинг чиқишлари гулдурос олқишлар билан кутиб олинди. У томошабинларни айланиб чиқаркан виски хўплаш ёки шампанский билан лабини ҳўллаш учун столлар олдида тўхтарди. У инглиз пиёда қўшинлари лейтенанти тиззасига ўтириб, ёки ҳарбий учувчини қучоқлаб сунъий равишда ротоаппаратга расмга тушарди. У қувноқ, матлуб, меҳмондўст эди — гўё у ўзини кабаредаги ҳарқайси офицернинг ихтиёрига бериб қўйиш иштиёқи билан тўлиб тошгандай туйиларди.

Эпплер официантни чақирди-да, счётнинг орқасига ёзган хатини раққосага беришни ундан сўради. Бирнеча дақиқадан кейин у ўтирган стол ёнига Хикмат келди. У таъзим қилиб Эпплернинг қўлини олди-да, ўз кўкрагига босди.

— Қайтиб келганинг билан қутлайман, Хусайн,— деди у арабчалаб.— Дўстни яна кўриш қандай соз!

— Хикмат, мени унутмаганингдан хурсандман, — деди у ва инглиз офицерлари томонга ишора қилиб.

— Қалай улар сенга ёқишадими?— деб сўради.

— Ҳамиша бўлганидек. — уларни кўришга кўзим йўқ! Улар билан қанча кўп муомала қилсанг, шунча кўп нафратинингни қўзғотади.

— Жуда соз, — деди Эпплер, Ундай бўлса сенга битта ишим бор...

* * *

У эрталаб соат олтигача Хикмат Фотимий билан бўлди, кейин Нилдаги у яшайдиган баржа уйдан Қоҳиранинг четидаги черковга жўнади.

Черковга кирганидан кейин тиззаларини эгиб ибодат қила бошлади. Эрталабки ибодат тугагач, то олдига поп келмагунча жойидан жилмади.

— Салом, ўғлим, — деди поп.

— Альма матер, — деб жавоб берди Жон Эпплер.

Поп хайрон бўлиб қошларини кўтарди, кейин илжайиб шундай деди:

— Ҳар кимни ҳам меҳрибон тангрининг ўзи ярлақасин.

(Давоми бор)

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

[1] Коптлар — қадимги мисрликларнинг авлодлари, Нил водийсининг туб аҳолиси.

ПЕТР МАТВЕЕВИЧ ТОКАРЕВ

1969 йил 20 февралда бевақт ўлим орамиздан 1941 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети маъмурий ва савдо-молиявий бўлимлар инструктори Петр Матвеевич Токаревни олиб кетди.

П. М. Токарев 1917 йилда Оренбург областида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 15 ёшида бошлади.

1939 йилда Совет Армияси сафидан қайтиб, келгач, П. М. Токарев Ўзбекистон Ички ишлар министрлиги органларида хизмат қилиб, оддий оператив ходимликдан полковник, Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари даражасигача кўтарилди.

Серғайрат, сезгир ўртоқ П. М. Токарев 1967 йилдан шаҳар партия комитети аппаратида ишлай бошлади ва умрининг охиригача партияга, халққа содиқ хизмат қилди.

Коммунист П. М. Токарев қаерда ишламасин ҳамма вақт ва ҳамма ерда бутун кучини, билимини ва ташкилотчилик талантини партия қарорларини амалга ошириш учун курашга сарфлади.

Ватан П. М. Токаревнинг фидокорона меҳнатини юксак баҳолаб, уни Қизил Юлдуз ордени ва етти медаль билан мукофотлади.

Коммунист П. М. Токаревнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Т. Қ. Абдуллаев, Т. А. Абдуллаев, И. И. Абдураҳмонов, В. Б. Аванесов, Ҳ. А. Асомов, С. С. Орифбоев, Ш. С. Аҳмадалиева, Р. Н. Бобожонова, Ғ. Б. Буҳоров, Н. А. Ғаниҳўжаев, З. И. Имомов, С. М. Кароматов, Ж. К. Қосимов, А. К. Кравченко, М. Ҳ. Қурбонов, Г. И. Лебедев, К. А. Максимов, С. Б. Норқўзиев, А. Д. Носиров, В. В. Окунский, К. С. Поспелов, С. Р. Расулов, Г. М. Саркисов, М. О. Толипов, В. М. Травков, Э. А. Умаров, Ю. А. Чурсин, М. Х. Юсупов, Ҳ. Е. Ёқубжонова, Х. Х. Яҳёев.

ЎРТОҚ П. М. ТОКАРЕВНИ ДАФН ЭТИШ КОМИССИЯСИДАН

Комиссия билдирадики, П. М. Токаревнинг жасади солинган тобут Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси клубига (Навоий кўчаси 23) 1969 йил 22 февраль соат 14 дан 16 гача қўйилади.

Дафн этиш 22 февраль соат 16 дан 30 минут ўтганда Боткин кўчасидаги қабристонда бўлади.

●СПОРТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Ҳаётни кўпинча тошқин дарёга ўхшатадилар. Балки, шундайдир. Аммо Шарифжон ака учун ҳаёт ҳақиқатан ҳам тошқин дарё. Ҳаётни булоққа ўхшатадилар. Балки тўғридир. Бироқ, Шарифжон ака ҳаётни чиндан ҳам булоққа ўхшашини аллақачонлар билиб олган. Мана, салкам қирқ йилдирки, унинг спорт маҳорати мисли булоқдай қайнамоқда.

Шарифжон Ёқубовнинг номи фақат республикамиздаги шашка ишқибозларигагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам кўпларга таниш.

У биринчи ўзбек шашкачиларидан ҳисобланади. Илк бор шашка тахтаси олдига 1935 йилда ўтирган. Шу-шу шашка уни сеҳрлаб қўйди. Ўша йили ўтказилган ёш шашкачиларнинг турнирида Шарифжон биринчи ўринни эгаллади. Бу унинг биринчи мусобақада эришган илк муваффақияти эди.

Ҳақиқий мастер бўлиш осон эмас эди. Шарифжон ана шу маррани кўзлаб, мураккаб комбинацияларни ўрганишга киришди. Қилинган меҳнат зое кетмади. 1958 йил унинг учун унутилмас йил бўлди. Тошкент шаҳрида ўтказилган Иттифоқ чемпионатининг чорак финал ўйинларида ўзбек шашкачиси ажойиб ғалабани қўлга киритди. У бўлажак гроссмейстер Валентин Абаулин билан биринчи ўринни эгаллади ва ярим финал ўйинларида қатнашиш учун йўлланма олди. Шарифжон бу мусобақада ўзининг бутун тажрибасини ишга солди. Натижада таниқли шашкачилар ҳам унинг олдида таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Ярим финал ўйинларида у кучли учликлар сафидан жой олди ва финал ўйинларига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ана шу ютуқ унга СССР спорт мастери унвонини олиб келди.

Шарифжон ака республика «Спартак» кўнгилли спорт жамиятида 1948 йилдан буён узлуксиз инструктор бўлиб ишлаб келмоқда. У ёшларнинг жонкуяри, меҳрибон дўсти. 1966 йилда унинг ташаббуси билан республика «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан юбилей мусобақаси ўтказилган эди. Бу мусобақа классификацион турнир бўлгани учун ҳам уч ёш шашкачи—самарқандлик Эстерлис, тошкентлик Гофман ва Каразенбурглар СССР спорт мастери унвонини олишга муваффақ бўлди.

Шарифжон ака миллий спортчилар сонини кўпайтиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Тошкентлик инженер, мастерликка номзод Фахриддин Ҳасанов, термизлик Бегимқул Шарипов келажакда етук шашкачи бўлиш мақсадида Шарифжон аканинг маҳорат мактабидан баҳраманд бўлаётган ёшлардир.

— Ҳамма ишларимизни кўнгилдагидай деб бўлмайди,—дейди Ёқубов, — ҳозирги пайтда «Спартак» спорт жамиятида, умуман республикамизда шашкачи спортчилар бор. Бироқ, шашка клубимиз йўқ. Тўғрироғи бор-у, жуда кичкина. У ҳам мусобақалар пайтида ётоқхонага айлантирилади. Шунинг учун ёшлар билан ишлаш учун ҳеч қандай шароит йўқ.

Ҳа, СССР спорт мастери, машҳур шашкачи Шарифжон Ёқубов катта спорт йўлини босиб ўтди. У тўққиз марта республика, олти марта Тошкент шаҳрининг чемпиони бўлган. Финал ўйинларига қатнашиб, беш марта ўзбек шашкасини Иттифоққа машҳур қилган бу моҳир спортчи 50 ёшга тўлди. Биз ҳам кўп минглаб шашка мухлислари номидан Шариф акани 50 йиллик тўйи билан қизғин табриклаймиз.

Х. ТЎРАЕВ,
Т. ЎРИНБОЕВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

21 февраль

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 М. Абдуллаевнинг «Кекса авлоднинг қаҳрамонлиги — ёшлар учун ибрат» деган суҳбати (ўзбекча). **18.10** Экран куйлари (ўзбекча). **19.20** Совет Армияси жангчиларининг талабларига мувофиқ концерт (татарча). **20.00** «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Концерт. **21.40** Сиёсий билимлар радиоуниверситети. С. Каримовнинг «Совет жамиятининг сиёсий негизи. КПСС — Совет жамиятининг раҳбар кучи» деган суҳбати (ўзбекча). **22.40** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари (ўзбекча). **23.15** Сайловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Келинчак». Халқ радиотеатрининг спектакли (русча). **20.30** Шу куннинг қўшиқлари (ўзбекча) **20.50** «Коммунист — табаррук ном» деган эшиттириш (русча). **21.00** К. Паустовский. «Қор» ҳикояси (ўзбекча). **21.40** Москва. «Миллионлар ленинча университети.

22 февраль

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Халқ талантлари концерти. **9.30** Лирик куйлар (ўзбекча). **10.10** «ДУГОНАЛАР» радиожурнали. **11.15** «Бу қўшиқларни эслайлик» (русча). **11.35** Куйлардан — қўшиқларга. **12.15** Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). **13.30** Лирик концерт (русча). **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «Саломалайкум» радио-журнали (русча). **16.10** Ўзбекистон радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. **17.20** Уйғур қўшиқлари. **17.50** «Бизнинг номзодлар» деган эшиттириш (ўзбекча).

18.00 Совет Армияси кунига бағишланган радиокомпозиция (татарча). **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ёш ижрочилар концерти (ўзбекча). **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). **20.30** Ленин ҳақида қўшиқлар. **20.45** МОСКВА. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 51 йиллигига бағишланган тантанали кеча ҳақида репортаж. **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Эстрада концерти (ўзбекча). **22.20** Лирика кечаси. **23. 10** Дам олиш концерти

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Оперетта артистларининг концерти. **9.15** Спорт эшиттириши (русча).

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** В. Карповнинг «Жангларда ва походларда» деган очерки. **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Сатрларда аксини топган йиллар» деган эшиттириш (русча). **21.00** МОСКВА. Совет Армияси Марказий театридан байрам концерти олиб эшиттирилади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Д. Пуччини. «Чио-Чио-Сан» операсининг монтажи. **14.30** Уйғун. «Қалтис ҳазил» радиоспектакли (русча). **16.00** «Дугоналар» радиожурнали такрорланади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—21/II да **Зулматдан зиё**, 22/II да **Шоир қалби**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Бўрон қуши**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—21/II да **Навоий Астрободда**, 22/II да **Жон қизлар**.

КИНО

21 ФЕВРАЛДА

Разведкачилар—«ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кечқурун).

Катта манёврлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кечқурун).

Марися ва Напалеон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Трембита—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

Ака-ука Карамазовлар (3-серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 ярим ва 9 да).

22 ФЕВРАЛДА

Разведкачилар — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун) САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да.)

Катта манёврлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кечқурун).

Марися ва Наполеон —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Трембита — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6,8 ва 10 да).

Ака-ука Карамазовлар — САНЪАТ САРОЙИ (1 ва 2-сериялари кундуз соат 2 яримда, 3-серияси кундуз 5 ярим; кеч 7 ярим ва 9 да).

Санъат саройида
23 ФЕВРАЛДА

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ АЛОҲИДА НАМУНАЛИ ОРКЕСТРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Бадий раҳбар — Бош ҳарбий дирижёр, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби генерал-майор.

Н. М. НАЗАРОВ.

Оркестр бошлиғи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист полковник.

Н. П. СЕРГЕЕВ.

Концертда Бутуниттифоқ радио ва телевидения солистлари **Нина ДЕРБИНА, Наталья ТАШИНСКАЯ**; Александров номидаги икки марта Қизил байроқли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг солистлари **Владимир БОЛОТИН, Вячеслав ОГЛОБИН** қатнашадилар.

Программани **Борис НАШЧЕКИН** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИЗОР

21 февраль

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун. «Қуён ва қудуқ». Мультфильм. **18.10** Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» программаси. **18.50** Телевизион янгиликлар. **19.05** Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан. Совет Армияси жангчиларининг хатлари асосида концерт. **20.00** Кўрсатишлар программаси.

Узбек тилида: 20.05 Телевизион янгиликлар. **20.20** Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан. «Ватан солдатлари» номли телефильмнинг тўртинчи серияси. **21.20** Ўзбекистон харитасидаги янги район. **21.40** «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатишлар программаси. **13.00** Телевизион янгиликлар. **13.15** «Сенга, ёшлик». **13.45** Иттифоқдош республикалар фильмлари фестивали. «Оталар дийёри». Бадиий фильм. **15.15** Болалар учун. «Табиат мўъжизалари». **15.30** «Илмий-техника тараққиёти». Тележурнал. **16.00** Москва кундузги кўрсатишларининг охири.

20.00 «Москва-София». Музикали программа. **21.00** Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан. «Жасорат». Телеальманах. **21.30** С. Прокофьев. «Семён Котко» операси. Музикали телевизион фильм премьераси. **23.00** Янгиликлар эстафетаси. **23.45** Интервидение. «Экран дўстларини чорлайди». **00.45** Адабий театр. **01.45** Спорт янгиликлари. **02.10** Фақат фактлар, кўрсатишлар программаси. **02.30** Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 Телевизион медицина лекторийси. **17.30** Озарбайжон куйлари.

18.00 Илғор тажриба қишлоқ хўжалиги университети. **18.30** «Ўлмас десантлар». Киноочерк. **18.50** Концерт. **19.30** Мультфильм. **19.40** Ҳафталик.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Номаълум тепаликда». **20.15** «Огонёк». **21.15** «Иван Вишняков босган йўл». Телеочерк. **21.25** Янгиликлар. **21.40** «Қаттиқ ёнғоқ». Бадиий фильм.

22 февраль

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 «Солдат қўшиқлари» Концерт. **10.30** «Инсон тақдири». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. **12.45** Телевизион янгиликлар. **13.00** Дам олиш программаси. **13.30** Шаҳарлар переклички. **14.00** «Объектив». Кино ва фотоҳаваскорлар телевизион клуби

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 Болалар учун. «Фунтик ва бодринглар». Мультфильм. **17.20** Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 17.30 Болалар учун концерт.

18.05 «Яшил уй». Телефильм. **18.25** «Қалб чорлайди». Дам олиш программаси. **19.05** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.20 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан. «Ижодкорлар». **19.50** Рангли телевидение программаси. **22.30** Телевизион янгиликлар. **22.45** КВН — 69. **00.30** «Социализм дунёси». Халқаро программа. **01. 00** Огонёк. **02.00** Фақат фактлар, кўрсатишлар программаси. **02.15** Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.00 «Прогресс». Интервизион журнал. **15.45** «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **16.15** Телевизион янгиликлар. **16.30** Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан. «Ҳаёт учун». Телефильм **17.00** Болалар учун «Жасорат мактаби». Бадиий фильм.

18.35 Эфирда «Молодость».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.20 «Рус флотининг бешиги». Ҳужжатли фильм. **19.30** Шарқ халқлари куйларидан концерт. **20.10** «240 миллион хўрандага». Ҳужжатли фильм. **21.00** «Она қиссаси». Бадиий фильм.

СССР Рангли металлургия Министрлигининг
ЎРТА ОСИЁ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИГА

машинистка, хўжалик мудири, инженерлар: умум овқатланиш бўлимига технолог, қурувчи: умум-овқатланиш бўйича техник-технолог, бухгалтер, товаршунос

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 17-уй, эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари учрашилсин. Телефон В-3-01-81.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
21 ФЕВРАЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
орган Ташкентского
горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари 33-27-57, ахборот бўлими —33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
Бирлашган нашриётининг босмахонаси
Тошкент шаҳри

Индекс 64579.
НАШР. № 2685. XII
Р. 04146.